

## Намозни очувчи дуодан кейин «аъзу»ни айтиш



09:25 / 19.02.2025 1856

Намозда такбири таҳримадан кейин «Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм»ни айтиш суннат амалдир. Қуръони каримнинг Наҳл сураси 98-оятида:

(??????? ?????????? ???????????? ?????????????? ??????????  
????? ?????????????????? ??????????????)

«Агар Қуръон ўқисанг, лаънати шайтондан Аллоҳнинг (номи) ила паноҳ тила», дейилган.

Бу оятдан ихтиёр қилинган нарса «Аъзу биллаҳи минаш шайтонир рожийм»ни айтишдир.

Баъзилар, бундан «Аъзу биллаҳис самийъул ѓалийм минаш шайтонир рожийм»ни айтиш қасд қилинган, дейишган.

Лекин аввалги лафз билан айтиш машҳурдир.